

Шайтоннинг фитна ва урушларга гиж-гижлаши | Сийрат дарслари (298-дарс)



19:00 / 14.09.2024 1336

494. Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шундай деяётганларини эшитдим: **«Албатта, шайтон Арабистон ярим оролида намозхонларнинг унга ибодат қилишларидан ноумид бўлди. Лекин уларни фитна ва урушларга гиж-гижлаши қолди».**

Муслим ривоят қилган.

495. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Эй Аллоҳнинг Расули! Сизлар билан ғазот ёки жиҳод қилайликми?» дедим. **«Лекин жиҳоднинг яхшиси ва гўзали мабрур ҳаждир»,** дедилар».

Оиша айтди: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан буни эшитганимдан буён ҳажни тарк қилмайман».

Бухорий ривоят қилган.

496. Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ҳаж билан умрани кетма-кет қилинг. Албатта, иккиси худди босқон темир, тилла ва**

кумушнинг кирини кетказганидек, фақирлик ва гуноҳларни кетказади. Мабур ҳажнинг жаннатдан бошқа савоби йўқ», дедилар».

Термизий, Насоий, Ибн Хузайма ва Ибн Ҳиббон ривоят қилишган.

497. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Умрадан кейинги умра иккисининг орасидаги нарсаларга каффоротдир. Мабур ҳажнинг мукофоти жаннатдан бошқа нарса эмас», дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

Бошқа ривоятда: Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: **«Ким Аллоҳ учун ҳаж қилса, фаҳш сўз айтмаса ва фисқу фасод қилмаса, худди онаси туққан кунидек қайтади»**, деяётганларини эшилдим.

Бухорий ривоят қилган.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 30 ноябрдаги 03-07/9078-рақамли хulosаси асосида чоп этилган.